
Ажралиш ёқасида турган кўплаб оилалар яраштирилди!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бешариқ туман бўлими томонидан бўлим иш юритувида бўлган вояга етмаган фарзандларга моддий таъминоти учун алимент пуллари ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Биргина, жорий йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида Мажбурий ижро бюроси Бешариқ туман бўлим томонидан “Соғлом оила-соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш борасида туманда тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда.

Бежизга нуроний отахон, мунис онахонларимиз “Оила бузилса - олам ларзага келади” дейишади. Оилаларни бузилиши оқибатида жамиятда ёлғиз аёллар ва тирик етимлар кўпаяди.

Жумладан, фуқаро Бешариқ туман Шоберди қишлоғида яшовчи фуқаро Насриддинова Наргизахон турмуш ўртоғи билан келишмовчилик сабабли вақтинча бирга яшамай келиб, 2 нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақида судга мурожаат этган. Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 30.07.2019 йил кунги қарорига асосан қарздор Бешариқ туман Қорақўйли қишлоғида яшовчи Насриддинов Шералидан 2 нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Алимент пулларини Ш.Насриддиновдан ўз вақтида ундириб келинаётган булса-да, бу ёш оилани тиклаш учун маҳалла фаоллари ва яраштириш комиссиялари иштирокида ушбу оиланинг қайта тикланиши таъминланди.

Глобализация, фан-техника ва технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда қонуний никоҳ асосида оила сақланиб қолиши ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

Ҳа, бу оилаларда бўладигани каби меники ёки сеники сингари сансалор бўладиган шунчаки маиший масала эмас, бу том маънодаги жамият ва давлатнинг эртаси учун, авлодлар давомийлиги учун фавқулодда муҳим ходисадир. Ўзбекистонимиз учун оила муқаддас бўлиб қолаверади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Мажбурий ижро бюроси

Фарғона вилояти бошқармаси

инспектори

М.Мадумаров

Мажбурий ижро бюроси

Бешариқ туман бўлими

бошлиғи ўринбосари

2-даражали юрист

Л.О.Алиходжаев

2020-04-04 13:10:01